

ИННОВАЦИЯ ЯНГИЛИК ЯРАТИШ ВА УНИ ИШДА ҚЎЛЛАЙ БИЛИШДИР**Номонова Сарвиноз Авазжон қизи***Қўқон университети*

Маълумки, инновация деб муаммоларни ҳал қилиш ёки иш фаолияти жараёнини осонлаштиришнинг янги ва ижодий йўлларини ўйлаб топиш қобилиятига айтилади. Бу фақат самолет ё компьютер каби катта ихтироларни яратиш дегани эмас. Аслида кундалик ҳаётни ривожлантирадиган ва яхшилайдиган кичик ўзгаришлар ҳам инновация саналади. Буни амалга ошириш учун тўғри фикрлаш ва фаол ёндашув кера бўлади. Улар орқали ҳар бир инсон янгилик яратиши мумкин.

Янгича фикрлаш – бу мавжуд усулларни савол остига олиш ҳамда уларни қандай такомиллаштириш ҳақида ўйлашдир. Масалан, кимдир уйда ортиқча қоғоз ва темир чиқиндиларини фойдали ишлатиш йўлини топса, бу ҳам янгилик, ижодий ечим ҳисобланади. Бу жиҳатдан инновация – ҳар қандай ижобий ўзгаришга, катта ё кичик бўлишидан қатъий назар, тараққиётга хизмат қилади. Яратилган ҳар бир янги ғоя, янгилик, ихтиро инсонлар ҳаётини қулайлаштиради ва жамиятни ривожлантиради.

Бугунги кунда кенг тарқалган технологиялар, масалан смартфонлар, автомобиллар ҳамда интернет – буларнинг барчаси илгари кимдир томонидан олға сурилган техник ғоялар, изланишлар маҳсулидир. Улар нафақат ҳаётни осонлаштиради, балки иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга ечим топишга ёрдам беради. Мисол учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқарган компаниялар рақобатда устунликка эришади, яшил энергия манбалари ҳамда замонавий транспорт воситалари эса жамиятга фойда келтиради.

Ижодий ёндашув қизиқишдан бошланади. “Нима учун ишлар айнан шундай бажарилади?” ёки “Қандай қилиб бу ишни яхшилаш мумкин?” деган саволлар одатда ҳамма соҳаларда янги ғоялар, изланишлар сари бошлайди. Ва охири янгилик яратилишига олиб келади. Масалан, боғчада ишлайдиган бир тарбиячи ҳамкасблари берилган топшириқларни унутиб қўйишаётганини сезса, у ўзи фаолият юритадиган гуруҳ машғулотида ўтказиладиган хонасининг кўринарли жойига ҳафта давомидаги 5 иш кунининг ҳар бир кунига оид бажарилиши лозим бўлган ишлар режасини кўргазма шаклида чиқариб, деворга осиб қўйиб ибрат кўрсатиши мумкин. Бундан бошқалар ҳам ибрат оладилар. Кимдир тарбиячиларнинг ҳаммаси рўйхатга киритилган ва уларнинг йиллик, ойлик, ҳафталик, кунлик қилиниши зарур бўлган ишлари жадвали ёзилган календарь яратиш ва уни мактабгача таълим ташкилотининг кириш жойига қўйиш режасини айтиши мумкин. Натижада ҳамма тарбиячилар бажарадиган вазифаларини кунма-кун биладилар ва эсларидан чиқариб қўймайдилар.

Шунингдек, янги фикрларга очиқ бўлиш ҳам жуда муҳим. Инновация кўпинча одамлар ўз режа, фикрларини ўзаро баҳам кўришганида ва бир-биридан ўрганганларида юзага келади. Жамоада ишлаш турли нуқтаи назарларни уйғунлаштириб, самарали ечимларга сабаб бўлади. Бошқаларнинг фикрларини тинглаш ва уларни инобатга олиш ноодатий ёндашувларга илҳом бериши мумкин. Шу билан бирга, хатолардан сабоқ олиш ҳам инновациянинг ажралмас бир қисмидир.

Лекин янги нарсаларни синаб кўришда муваффақиятсизликка учраш ҳолатлари ҳам кузатилади. Аммо ўйлаган янгича ғояси -- инновацияси рўёбини кўришга аҳд қилган одам ортга чекинмай фақат олдинга интилавериши лозим. Чунончи, машҳур ихтирочи Томас Эдисон электр лампочкаларни яратиш жараёнида кўплаб муваффақиятсизларга учрашига қарамай умид қилишдан тўхтамаган, тажрибаларини давом эттираверган экан. Бу ҳол уни тўғри ечимга олиб борган.

Турли мавзуларни ўрганиш, китоб ўқиш ҳамда атрофдаги дунёни кузатиш илҳом манбаини шакллантиради. Масалан, об-ҳавонинг фасллардаги турлича хусусиятларини яхшироқ ўрганиш, мавсумга мос яхшироқ кийимлар, ерлару ҳарсангтошлар, тоғлар хусусиятлари, таркибини пухта текшириш уларни кавлайдиган, ҳайдайдиган, парчалайдиган асбоблар яратиш ғоялари сари етаклайди, олиб келади. Бу йўлда қизиқишни оширган ва интилган одамлар бошқалар тўсиқ деб билган жойларда имкониятларни кўра олишади.

Инновация ҳар доим ҳам катта катта ғоялар билан бошланмайди. Кўпинча оддий ўзгаришлар катта натижаларга олиб келади. Масалан, иш жойини тартибга солишдан бошланган ташаббус кейинчалик бутун жамоа учун тизимли одатга айланиши мумкин. Бу жараёнда аввало битта одам ташаббус бошлаб бериши, инновация яратувчиси ролини ўйнаши керак, албатта. Ҳа, ҳаракат қилиш, изланиш, интилишдан тўхтамаслик лозим. Шулар ва ўзига бўлган ишонч янги имкониятлар эшикларини очади.

Тарихда бунга кўплаб мисоллар бор. Ғилдирак юк ташиш учун оддий эҳтиёждан туғилган ғоя сифатида пайдо бўлди. Аммо у транспорт ва саноатни ниҳоятда зўр ўзгартирди ва ривожлантирди. Яқинда пайдо бўлган қуёш панеллари эса, содда усул - қуёш нурларидан энергия олиш ғоясига асосланган бўлиб, бугун иқтисод ва экологияга катта фойда келтирмоқда.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, катта янгиликлар кўпинча оддий фикрлардан бошланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозим топдик, инновация бу – йўл, манзил эмас. Шу боис ҳам муаммога дуч келсангиз, уни янгича йўл билан қандай ҳал қилиш мумкинлиги тўғрисида ўйланг. Шунда фойдали нарса яратиш ёки бирор нарсани яхшироқ бажариш йўлини топиш орқали сизнинг ҳам инновацион ғоянгиз юзага чиқади. Фақат чуқур фикрлаб, олға юрсангиз бас!